

## Депутат билан учрашув

Халқни рози қилиш, одамларнинг ўй ва ташвишлари билан яшаш одамийликнинг энг муҳим мезони эканлигини эътироф этган Президентимиз даъватларидан руҳланган ҳолда, депутатларнинг учрашув ва ижодий мулоқотлари тез-тез ўтказиб турилиши қуонарлидир.

2018 йил 24 апрел куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойида Халқ Депутатлари Тошкент шахар кенгаши депутати ЎзХДП Юнусобод тумани кенгаши раиси Нигора Эшметова ҳамда тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротовлар давра сухбати ўтказди.

Нигора Эшметова ХДП вазифалари фаолияти сайланган депутатлар тўғрисида, Ёшларнинг бандлиги бўйича бандликка кўмаклаш маркази билан ҳамкорликда ишлаши ҳамда ёшларга оид қонунлар, ҳукуқлар, ўй жой масалалари, имкониятлар бўйича маълумот берилди.

Ёшлар орасида ёшларнинг сиёсий ҳукуқий билимини ошириш мақсадида ёш сиёsatчи клубини ташкил қилиш тўғрисида институтимиз талабалари билан ҳамкорликда ишлашни таклиф қилдилар.



**4 - ТТЖ тарбиячи-педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти,  
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**